

---

## ТОШЛОҚДА ЕХРО KOLLOR PRIN TEKS ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРИНИНГ БЕШИНЧИ КОРХОНАСИ ИШ БОШЛАДИ

Тошлоқ туманида Ехро Kollor Prin Teks пахта-тўқимачилик кластери тизимида амалга оширилган ип-калава ишлаб чиқаришни кенгайтириш лойиҳаси доирасида барпо этилган янги корхона иш бошлади. Очилиш маросимида вилоят ҳокимининг ўринбосари Иқболжон Эргашев иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуслари билан мамлакатимизда йўлга қўйилган кластер амалиёти пахта хом ашёси етиштиришдан бошлаб уни тайёр маҳсулот сифатида сотишгача бўлган ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксиз занжирини шакллантиргани билан муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ехро Kollor Prin Teks пахта-тўқимачилик кластери томонидан юқори қўшилган қийматли тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга қаратилган комплекс инвестицион лойиҳанинг навбатдаги босқичи бўлган ушбу корхонанинг умумий қиймати 140 млрд. сўмдан зиёд бўлиб, кластернинг 75 млрд. сўм ўз маблағлари ҳамда тўғридан тўғри жалб этилган 5,5 млн. долларлик хорижий кредит линияси ҳисобига барпо этилди.

Янги ишлаб чиқариш корхонаси замонавий юқори технологияли Rieter ускуналари билан жиҳозланган бўлиб, бу юқори сифатли тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш имконини беради.

Корхона йилига мавжуд қувватларга қўшимча 3 минг тонна ип-калава ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, 260 та доимий иш ўринлари яратилди. Ехро Kollor Prin Teks пахта-тўқимачилик кластери корхоналарида яратилган доимий иш ўринлари сони эса 1200 тадан ортди.

Яна бир муҳим жиҳати, ишлаб чиқаришда энергия тежамкор технологиялар қўлланмоқда. Қайта тикланувчи энергия манбаларини кенгайтириш мақсадида иншоотнинг том қисмига қуёш панеллари ўрнатилмоқда.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-07-06 21:44:57